



2/2013

алабх мадодати



ИБРОҲИМ ИБН АБДУРАҲМОН ИБН АБУ БАКР АЛ-АЗРАҚНИНГ "ТАСҲИЙЛУЛ МАНОФИЙ ФИТ-ТИБ ВАЛ-ҲИКМА" АСАРИ ҲАҚИДА.

Шарқнинг машҳур табибларидан бири Иброҳим ибн Абдураҳмон ибн Абу Бакр ал-Азрак XV асарда табобатга оид муҳим асарни ёзди. Бу асар "Тасҳийлул манофиъ фиттиб вал-ҳикма" (*Табобат ва фалсафадаги фойдаларни осонлаштириш*) деб номланади. Бу асар ҳақида ўз даврининг етук уламоси бўлган Абу Абдулоҳ бин Аҳмад бин Усмон аз-Заҳабий ўзининг "Кашфуз-Зунун фи асмаил-кутуби вал-фунун" номли китобида Иброҳим ибн Абдураҳмон ибн Абу Бакр ал-Азракнинг "Тасҳийл ал-манофиъ фиттиб вал-ҳикма" китоби, Муҳаммад бин Абул Файс ал-Камронийнинг "Китобу шифа-ал ажсом" ва ал-ҳаким ал-Муқрий Маҳдий Сабрийнинг "Раҳмат" номли китоблари асосида ёзилганлигини ва бу манбаларга қўшимча тарзда Ибн ал-Жавзийнинг "ал-Лӯғат", "Бир'ус-саъ" ва Сувайдийнинг "Тазкиратус-Сувайдий", "Комил ас-синоъ ат-тиббийа" каби китоблардан ҳам фойдаланилганлигини айтиб ўтади.

Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-қуриқхонаси араб ёзувидаги қўлэзмаларни ўрганиш иммий маркази хазинасида 27875/11-рақам остида мазкур асарнинг тошбосма нусхаси сақланади.

Ушбу асар 184 саҳифадан иборат. Тузилиши жиҳатидан беш қисмга бўлинган ушбу китоб умумий сон жиҳатидан 120 боб, 255 фаслни ўз ичига олади.

Биринчи қисм 3-саҳифадан бошланиб, 8-саҳифада тугайди. Унда 3 боб, 10 фасл мавжуд. Бу қисмда инсон мизожлари, Куръон оятлари ва Пайғамбаримиз с.а.в.нинг ҳадислари асосида ҳалол-пок нарсалар билан даволаниш ҳақида маълумотлар, кўрсатма ва тавсиялар берилган.

Иккинчи қисм 8-саҳифадан бошланиб, 50-саҳифага қадар давом этади. Унда 3 боб, 28 фасл мавжуд. Бу қисмда уруғлар (донлар) ва уларнинг озуқалик, дориворлик хусусияти, фойдалари ва ишлатиш йўллари. Шунингдек,

турли табиий ёғлар, ўсимликлар, мевалар ва ҳайвонотлардан олинаидиган дори-дармонлар, фойдали озиқ-овқатлик хусусиятлари ва уларни инсон организмидаги ижобий ва салбий таъсирлари ҳақида маълумотлар берилган.

Учинчи қисм 50-саҳифадан бошланиб, 81-саҳифага қадар давом этади. Ушбу қисм 10 боб, 59 фаслни ўз ичига олади. Ушбу қисмда соғлиқни асрараш касалликни бартараф этишдан осонроқ ва муҳимроқ эканлиги хусусида, соғлом пайтда соғлиқни асрараш кераклиги борасида Пайғамбаримиз с.а.в.нинг ҳадислари ва табибларнинг тавсия-кўрсатмалари берилган.

Тўртингчи қисм 81-саҳифадан бошланиб, 160-саҳифага қадар бўлган маълумотларни ўз ичига олади. Мазкур қисм 88 боб, 139 фаслдан иборат.

Бу қисмда тананинг ҳар бир маҳсус аъзоларидаги (бош, куз, кулоқ, бурун каби) касалликларнинг келиб чиқиши ва уларни даволаш хусусида маълумотлар берилади.

Бешинчи қисм эса, 160-саҳифадан бошланиб, 183-саҳифада тугайди. Бу қисм 16 боб ва 19 фаслни ўз ичига олади. Унда танадаги умумий касалликларни даволаш, шу билан бирга, соғлиқни сақлаш ва уни даволаш учун керак бўлган барча ноёб маълумотлар ва тавсиялар берилган. Бу қисмда танадаги барча хасталиклар – бош оғриғи, жиннилик, танадаги оқ, доғлар, моҳов касалликлари ва уларни даволаш усуслари берилган бўлиб, китобнинг охирги бетларида Куръон оятлари билан даволаш усуслари кўрсатиб берилган ва энг сўнги 184-саҳифасида занжабил ва унинг хусусиятлари, инсон организмидаги фойдалари ҳақида шеърий тарзда ажойиб тавсифлар ва тавсиялар берилган.

Мазкур асардан бир неча бобларни сиз муҳтарам мухисларимизга ҳавола қилиш ниятидамиз.

ОВҚАТЛАНИШ ТАРЗИ, УНИНГ ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАРИ

Сизга маълумки, овқатланишнинг энг тўғри меъёри тўймай туриб овқатланиш ва қоринни ҳаддан ортиқ тўйдирмасликдир.

Расууллоҳ с.а.в. бу борада: " Одам боласининг қориндан-да ёмонроқ тўлдирадиган идиши йўқ " деб, марҳамат қўлдилар.

Эрон подшоҳи Кусронинг саройида тўрт табиб тўпланди. Булар Ироқлик, Румлик, Ҳиндистонлик ва бири Суданлик эди. Кусро табибларга қараб: ҳар бирингиз менга шундай бир доривор воситани сифатлаб берингки, уни истеъмол қилгандан сўнг танада дард қолмасин деди. Шунда Ироқлик табиб "Агар ҳар куни наҳорда уч (3) култумдан илиқ сув ичиб юрсангиз танангизда касаллик бўлмайди",

деди.

Сўнг Румлик табиб "Агар сиз ҳар куни зунбаргдан бироз истеъмол қилиб юрсангиз, сизда касаллик бўлмайди" деди.

Ундан сўнг Ҳиндистонлик табиб: "Агар сиз ҳар куни уч дона қора халиладан есангиз, албатта касаллик юзини кўрмайсиз" деди.

Нихоят навбат Суданлик табибга етганида, у жим турди. Суданлик табиб олдинги уч табибдан ёш жиҳатдан энг кичиги бўлсада, тажриба жиҳатидан энг тажрибалирори эди. Унинг жим турганини кўрган подшоҳ Кусро унга: Гапир нега жим турибсан? деганда Суданлик табиб: "Эй хожам мен ўзимдан олдин уч табибларнинг тавсифларини тингладим аммо,

бириңчи табиб айтган илиқ сув ошқозон ҳимоя қатламидаги ёғларни әрітади ва ошқозон фаолигини сусайтиради, иккінчи табиб айтган зұнбарг – сафро касаллигини құзғотади, ниҳоят учинчі табиб айтган қора ҳалила әса, савдо касаллигини құзғотади" деди. Күсро Суданлик табибі: "бу борада сенинг фикрінг қандай, сен нима дея оласан?" деганида у: «Эй хожам касаллукни олдини олиш ва унга қалынmasliknинг ягона бирдан бир йұлы овқатланиш тарзига амал қылаш, қаңон қорин оч қолсагина овқатланиш ва қорин тұймай туриб құлни овқатдан тиіши лозим, шундагина ҳеч қандай касаллук сезни безөвта құлмайды» деди. Еш табибнің айтган сұздары тұғрилигини олдинги уч табиб ҳам тасдиқладылар. Бу ҳикоядан қилинган қысқагина хулоса шүндайки, овқатланиш тарзига амал қылаш ёки амал құлмаслик инсонни ё на жотта ә ҳалокатта етакловчи омил эканлигини англаңа етишдір.

Овқатланишда, ҳазм бұлмайдыган, оғир овқаттарни ейишлик, еғанда ҳам мейерден ортиқ ейишлик кишида юзага чиқыши мумкин бұлған яшириң касаллуктарни пайдо қылады(гарчи иsteемолғы соглом бұлса ҳам).

Әнг муҳими дуруст, соғлиқка заарасиз бұлған овқат ва овқатланишта, шу билан бирга, овқатланиш мейерига ҳам ахамият беріш лозим. Овқатланувчилар асосан Гуруч, ёнғоқ, писта, бүгдей ачитқиси, жұжа гүшти, тоза соғылған әчки ва құй сұтлары каби енгил ҳазм бұладыған овқат ва ичимликларни иsteемол қишилшари мақсадта мұвоғиқдір. Аммо, жисмоний меңнат билан шұғуланувчи иsteемолчилар фатир (нон) ва ҳариса (ҳалим) каби тез ҳазм бұлмайдыган овқаттарни иsteемол қылсалар ҳам зарар құлмайды, чунки, жисмоний меңнат натижасыда етап овқаттары ҳазм бўлиб кетади.

Үтмишдаги баъзи шоирлар айтадылар: "Учта нарса борки, улар соглом инсонни касаллукка етаклаб, оқибатда ҳалок қылади булар қуидагилар:

1. Доимий маст қылуочи ичимликлар ишиб юриш.
2. Күп (доимий) жинсий мұносабатда бўлиш.
3. Овқат ҳазм бұлмай туриб овқатланиш".

Аҳнаф ибн Файс айтадылар: "Донишмандлар тұрт минг ҳикматли сұздан тұрт юзтасини, тұрт юзтадан қирқтасини, қирқтасидан тұртта ҳикматли сұзни танлаб олдилар. Улар қуидагилар:

1. Аёлларга шашқивоз (ұч) бўлма, яъни жинсий мұносабатда меверни бил.

2. Ошқозонинг күтара олмайдыған даражада овқат ема.

3. Бойлигинг еру-заминга сиғмас даражада күп бўлса ҳам ғурурланма.

4. Үзиннега (хаётингга) керакли, фойдалы илмни

олгину, ортиқчасини излаб, үзинг ҳам йұлдан адашиб, үзгаларни ҳам адаштириб юрма (мақсад- бу билан илм олиши чеклаб құйши эмас балки, кераксиз илм кетидан қувлаб ҳам азиз умрени бежұда исроф қылышини, ҳам илмда бирор бір даражага әріша олмай арасатда қолиб, ҳатто ёмон йұлларга кириб кетишінде қолаттарини унга билдириб құйшидір).

Аллох Таоло Қуръони Каримда овқатланиш тұғрисида: "Енглар, ичинглар, исроф қылманлар чунки, у (Аллох) исроф қылғувчиларни севмас" деб марҳамат қылған бўлса, Пайғамбар с.а.в: Овқатларингизни қорнингиз түйгүнича, бўкиб еманглар чунки, ҳар бир касаллукнинг асоси овқатни күп ейишликандыр ва тўқ бўлиб, овқат устига овқат ейишлик натижасыда модда алмашинуви бузилиб, натижада пес, мохов касаллигига сабаб бўлишини" айтдилар.

Донишмандлар айтадылар: "ҳаддан зиёд күп ейиш ошқозон фаолиятини сустлашишига сабаб бўлади" ошқозон фаолиятини сустлашиши әса, ҳолдан тойиш, заифликка олиб келади, бу касаллук бора-бора үлимга олиб боради.

Уламолар айтадылар: "Агар қабр аҳлидан бу ерга тушғанлик сабаблари сўрагалғанда, улар бизнинг бундай ҳолга тушишимизга (қабрга киришимизга) баднағслигимиз, қоринни ҳаддан ортиқ түйдирисимиз сабаб бўлди деган бўлар эдилар" дедилар.

Расууллоҳ с.а.в: "Овқатланишдан олдин ҳаракат қилиш мақтовга арзигулик ишлардандыр чунки, у пайтдаги ҳаракат ошқозон үтіни ёқиб, ошқозондаги олдиндан ҳазм бұлмай қолған овқаттарни ҳазм қылади" дедилар.

Донишмандлар айтадылар: " Овқатланишга кириштап киши аввало овқатини яхшилаб мейерига етказиб пиширсін сұнг, овқатни яхшилаб, майдалаб чайнаб есін, сутни нордон нарсалар билан ичмасин, балиқни әса, сут билан құшиб иsteемол құлмасин чунки, бу икаласини бир вақтнинг ўзида иsteемол қишил (жузом) мохов каби касаллуктарға сабаб бўлади. Тажрибали табиблар сут билан балиқни, қичи билан саримсоқни, товуқ гүшти билан турпни, кантар боласининг гүшти билан пиёзни, ялпиз билан гуручни, боқила билан қатиқни, асал билан қовунни, узум билан калла гүштини, анор билан ҳарисаны, сирка билан гуручни аралаштиришдан, шу билан бирга қудуқ суви билан анҳор сувини ҳам аралаштиришдан қайтарадилар.

*Араб тилидан
Ахтам Ахмедов таржимасы*

